


## Қалб хотиржамлиги нимага боғлиқ?



17:10 / 07.03.2019 7133

Замон шиддат билан тараққий этаётган бир даврда одамлар иложи борича кўпроқ мол-дунё тўплашга, ҳашаматли уйлар қуришга интилмоқда. Аксарият кишилар фикру хаёли фақат яхши яшаш, фаровон ҳаёт кечириш билан банд. Улар учун бундан бошқа нарсалар иккинчи даражали саналади. Бу тоифадагилар мол-дунё билан ҳамма нарсага эришиш мумкин, деб ўйлайдилар, “пулинг бўлса, чангалда шўрва” қабилида иш кўрадилар. Улар инсон бой бўлса, фарзандларга эга бўлса, ҳашаматли иморатларда одам роҳатланиб яшайди, ҳеч қандай ғам-ташвиши бўлмайди, деб ўйлайдилар. Аслида ҳам шундайми?! Бироқ кишилар мол-дунё ортидан елиб-югуриб, ҳаёт ташвишлари деб, кунни тунга улаб, минг машаққатлар билан бойлик орттирадилар, лекин сокинлик, хотиржамлик топа олмайдилар, бу бор ҳақиқат. Буни ҳеч ким инкор қила олмайди.

Инсоннинг хотиржамлиги ўзига боғлиқми ёки хотиржамликка эришишда ташқи омилларнинг ўрни муҳимроқми? Аслида хотиржамлик нимада? Маълумки, хотиржамлик ва ҳаловат қалб ҳолати билан боғлиқ нарса. Қалбнинг хотиржамлиги нимада экани, қандай қилиб қалб хотиржам бўлишини бизга барча нарсани яратган Зот билдирмаса, ожиз банда қаердан билсин?! Аллоҳ таоло Қуръони карим оятларининг бирида ҳидоятга мушарраф бўлган зотлар ҳақида шундай дейди:

**“Улар имон келтирган ва қалблари Аллоҳни зикр қилиш билан ором оладиган зотлардир. Огоҳ бўлингларки, Аллоҳни зикр қилиш билан қалблар ором олади!”** (Раъд, 28-оят).

Аллоҳ зикр қилинганда ҳақиқий мўминнинг қалбига сокинлик киради, нафси хотиржам бўлади, ором олади. Бунинг учун банданинг иймониغا шубҳа аралашмаган бўлиши керак. Агар қалбда иймон бўлмаса ёки иймонга шубҳа-гумонлар аралашган бўлса, Аллоҳ зикр қилинганда қалб беҳаловат бўлади. Аллоҳдан бошқаси зикр қилинса, қалбда унга нисбатан рағбат, хоҳиш пайдо бўлади.

Мўмин банда Аллоҳни зикр қилганида Аллоҳ билан боғлиқлиги, У Зот уни кўриб тургани, ҳимоясида эканини қалбан ҳис қилгани учун қалби сокин бўлади. У ўзгалар каби турли йўлларда сарсон-саргардон юрмайди, унинг йўли ва нияти битта. У ҳам бўлса, ҳидоят ва жаннат йўлидир. Бундай банда ёлғиз эмас. Унинг энг Қодир ва Азалий Ҳимоячиси бор. У ҳар қандай душман, зарар ва мусибатлардан ҳимояланганини ҳис қилиб яшайди.

Аллоҳ зикр қилинганда қалбдаги ҳасад, кудурат ва шу каби иллатлар маърифат сояси остида қолиб, қалб бир оз ором олади. Аллоҳ эслатилганда банданинг қалбидаги ҳирс, очкўзлик ва шаҳват алангаси маърифат чашмаси ёрдамида сўндирилади. Натижада қалб ва тана хотиржам бўлади.

Мўмин банда Аллоҳ унинг ризқини етказиши, мусибатга сабр қилгани учун савоб билан мукофотлашини билади. Шу сабаб қийинчиликларда ўзини ўтга-чўққа урмайди, ҳар бир ҳолатга сабр, қаноат ва шукр назари билан қарайди.

Банда Аллоҳ зикри билан махлуқот ва мавжудотлар яратилишидаги ҳикматларни янада яхшироқ англай бошлайди. Натижада қалбидаги иймон мустаҳкамланади.

Ўқувчиларимиз орасида баъзилар: “Аллоҳ таоло Анфол сурасининг 2-оятида: **“Аллоҳ зикр қилинганда мўминлар қалби қўрқувга тушади”**, деган. Буни қандай тушуниш керак? Қандай қилиб, бир вақтнинг ўзида қалбда хотиржамлик ҳам, қўрқув ҳам бўлиши мумкин?” деб савол беришлари эҳтимолдан холи эмас. Бунга жавобимиз қуйидагича: «Ҳақиқий мўмин банда қалби таҳдид, Аллоҳниг ҳисоб қилиш ва жазо бериши ҳақида эслатилганда, жаҳаннам зикр қилинганда, қўрқувга тушади, Аллоҳнинг фазли, марҳамати, мағфирати, жаннат ҳақида ваъда ва ажр-савоблар зикр

қилинганда, хотиржам бўлади.

*Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи: «Агар бирон қавм Аллоҳнинг уйларида бир уйда йиғилиб, Аллоҳнинг Китоби (Қуръон карим)ни ўқисалар, уни ўзаро дарс қилиб ўргансалар, албатта уларнинг устиларига сакийна (тинчлик, хотиржамлик) тушади, раҳмат ўраб олади ва фаришталар уларни қанотлари билан ўраб оладилар ҳамда Аллоҳ уларни Ўз даргоҳидагилар қошида зикр қилади».**

*Муслим ва Абу Довуд ривоят қилиган.*

Демак, Аллоҳни зикр қилиш, берилган неъматлар ҳақида фикр қилиб, У Зотга муносиб тарзда ҳамду сано айтиш, намоз ўқиш, Қуръон тиловати каби амаллар киши қалбига илоҳий хотиржамлик бахш этади.

Бойлик ва мартабага эришиш билан инсон қалби тўлиқ хотиржам бўла олмайди. Сабаби булар инсоннинг моддий эҳтиёжлари бўлиб, хотиржамлик асосан маънавият билан боғлиқ. Хотиржамликни моддийлик билан боғлаш нотўғри. Тўғри хотиржам бўлишда моддиятнинг ҳам маълум маънода ўрни бор. Лекин у асосийси эмас. Бунга оддий бир мисол келтирамиз. Ҳозирда Оврўпа ва Америка қитъаси аҳолисининг кўпчилигида уйқуда алаҳсираш ва ёмон тушлардан сақланиш учун турли хил дори-дармон ва тинчлантирувчи воситаларни истеъмол қилиб, уйқуга кетиш одат тусига кирган. Бу нарса биз учун ажабланарли, бироқ улар учун оддий ҳол. Сабаби уларнинг хотиржамликка эришиши учун бошқа иложлари ҳам йўқ. Бизда эса уйқуда хотиржам бўлиш, яхши ором олишнинг бир неча имкониятлари бор. Шукрки, биз бошқа диндагилар каби ҳайрон, нима қилишни билмай юрмаймиз. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизларга ётишдан олдин ўқиладиган бир неча хил дуоларни ўргатганлар. Улар ичида Оятул курсийнинг ўрни беқиёс. Агар ётишдан олдин мазкур оят ўқилса, нохуш туш кўриш, алаҳсираш ва шу каби ёқимсиз ҳолатлардан узоқ бўлинади, тиниқиб дам олинади. Яхши уйқу туфайли бош мия дам олади. Ўз-ўзидан бу билан киши иш фаолияти унумли бўлади.

Хотиржам бўлишга сабаб бўладиган нарсалардан яна бири қаноат, ношукр бўлмаслик, ризқни Аллоҳ етказишига ишониш, хирс ва очкўзликдан узоқ бўлишдир. Қаноат камбағални сабр, бойни шукр қилишга чақиради. Қаноатсизлик банда ташвишланишига сабаб бўлади, уни хавотирга солади. У эртаю кеч фақат бойлигини кўпайтириш, бирини икки

қилишнигина ўйлайди, холос. Инфоқ-эхсон ва садақанинг яқинига ҳам ўйламайди. Банда нафси Уҳуд тоғи мислича олтинга эга бўлса ҳам тўймайди. Банда қанча бойликка эга бўлмасин, агар унда қаноат бўлмас экан, қалб хотиржам бўлолмайди. Қалбини ҳирс ва очкўзлик эгаллаган кимса хотиржамлик неъматдан маҳрумдир.

Бошқа тарафдан хотиржамликка эришиш учун Аллоҳ таоло буюрган амалларни бекаму-қўст бажариш лозим. Масалан, сизнинг молу давлат, юқори мансаб-мартаба ва қўша-қўша ўғил-қизлар, набираларингиз бор. Бу тарафдан бекаму-қўстсиз. Аммо ибодатларда сусткашликка йўл қўясиз, амалларни вақтида бажар олмайсиз. Дунё тарафдан қанча мукамал бўлманг, агар охирагга тааллуқли ишларда камчиликка йўл қўйсангиз, билингки, қалбингиз хотиржам бўлолмайди. Сабаби бандалик вазифаларини рисоладагидек бажара олмаётганингиз сабаб дилингиз хира бўлиб юради. Агар дунё ишларингизда камчилик бўлса-да (дунё ишлари ҳеч қачон тугамаган ва камчиликсиз бўлмайди), ибодатларни мукамал бажарсангиз, қалбингиз хотиржам, ўзингиз хушҳол бўласиз. Демак, қалб хотиржамлигида қалбнинг Аллоҳга боғланиши муҳим ўрин тутди.

Биз юқорида моддий тараққиётнинг юқори чўққисига чиққан Оврўпа халқлари нима сабабдан хотиржам бўла олмаётганлари ҳақида сўз бошлаган эдик. Муҳтарам ўқувчиларимиз келтирилган мисоллардан бунинг сабабини англаб олган бўлсалар, ажаб эмас. Аллоҳ таоло барчамизга ҳам руҳий, ҳам моддий ҳаловатни, қалб ва тана хотиржамлигини ато қилсин!

***Одилхон қори Юнусхон ўғли***